

ПАРКИНСОН КАСАЛЛИГИНИНГ ИЛК ВА ПРОДРОМАЛ БОСҚИЧЛАРИДАГИ КЛИНИК-ФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ

К. К. Сафаров

Бухоро давлат тиббиёт институти

Д.К. Хайдарова

Тошкент давлат тиббиёт университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15752177>

Аннотация. Паркинсон касаллиги (ПК) дунёда учрайдиган икки энг кенг тарқалган нейродегенератив касалликлардан бири бўлиб, асосан 60 ёшдан катта одамларда кузатилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича 10 миллионга яқин киши ушбу касалликдан азият чекмоқда. Аҳолининг қарилиши жараёни туфайли келгусида ПК билан касалланувчилар сони янада ошиб боришлари кутилмоқда.

Калит сўзлар: Паркинсон касаллиги, продромал босқичлар.

Тадқиқотнинг мақсади: Паркинсон касаллиги мавжуд беморларда клиник-биокимёвий маркерларни аниқлаш, антиоксидант терапияни қўллаш орқали беморларни олиб боришни такомиллаштириш.

Долзарблиги. Паркинсон касаллигининг патогенези нигростриатал допамин нейронларининг прогрессив йўқолиши билан боғлиқ бўлиб, бу мотор белгилар пайдо бўлишидан анча олдин бошланади. Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, клиник белгилар пайдо бўлиш вақтида нигра субстанциясидаги допамин нейронларининг 50-70% қисми аллақачон йўқолган бўлади. Бу ҳолат касалликнинг продромал босқичини ўрганиш ва эрта диагностикани такомиллаштиришнинг муҳимлигини белгилайди.

Продромал босқич – бу мотор белгилар пайдо бўлишидан олдинги даврни ифодалайди ва бу босқичда қатор номотор белгилар намоён бўлиши мумкин. Булар орасида ҳид сезиш функциясининг бузилиши (гипосмия), уйқу-уйғоқлик циклининг бузилиши, депрессия, запор, ортостатик гипотензия ва когнитив функцияларнинг енгил бузилишлари киради. Ушбу белгиларнинг ўз вақтида аниқланиши ва тўғри баҳоланиши касалликнинг клиник босқичига ўтишини кечиктириш ёки олдини олиш учун стратегияларни ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирги вақтда Паркинсон касаллигининг эрта босқичларини диагностика қилишда замонавий нейровизуализация усуллари, биомаркерлар ва махсус клиник шкалалардан фойдаланилмоқда. Бироқ, продромал ва илк клиник босқичлар орасидаги дифференциал диагностика ҳали ҳам мураккаб муаммо бўлиб қолмоқда. Бу эса касалликнинг турли босқичларидаги клиник-функционал ўзгаришларни батафсил ўрганиш ва уларнинг хусусиятларини аниқлашнинг долзарблигини белгилайди.

Хулоса: Шунингдек, эрта диагностика нафақат беморнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, балки нейропротектив даволаш усуллари қўллаш имкониятларини кенгайтириш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда олиб борилаётган тадқиқотлар касалликнинг продромал босқичида қўлланиладиган дастурий чоралар касаллик прогрессиясини сусайтириш ёки тўхтатиш имкониятларини берши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, Паркинсон касаллигининг илк ва продромал босқичларидаги клиник-функционал ўзгаришларнинг дифференциал хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш замонавий неврологиянинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади ва кенг илмий-амалий аҳамият касб этади.

References:

Используемая литература:

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Bloem B.R., Okun M.S., Klein C. Parkinson's disease // The Lancet. – 2021. – Vol. 397, №10291. – P. 2284-2303.
2. Postuma R.B., Berg D., Stern M. et al. MDS clinical diagnostic criteria for Parkinson's disease // Movement Disorders. – 2015. – Vol. 30, №12. – P. 1591-1601.
3. Heinzel S., Berg D., Gasser T. et al. Update of the MDS research criteria for prodromal Parkinson's disease // Movement Disorders. – 2019. – Vol. 34, №10. – P. 1464-1470.
4. Левин О.С., Федорова Н.В. Болезнь Паркинсона. – 4-е изд. – М.: МЕДпресс-информ, 2020. – 384 с.
5. Schapira A.H.V., Chaudhuri K.R., Jenner P. Non-motor features of Parkinson disease // Nature Reviews Neuroscience. – 2017. – Vol. 18, №7. – P. 435-450.
6. Berg D., Postuma R.B., Adler C.H. et al. MDS research criteria for prodromal Parkinson's disease // Movement Disorders. – 2015. – Vol. 30, №12. – P. 1600-1611.